

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРЕЕВА ҚУРАЛАЙ ЖУМАБАЕВНА**

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБУЙИ СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ АНТРОПОГЕН  
ДЕГРАДАЦИЯЛАНИШ ЖАРАЁНИНИНГ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**03.00.10 – Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус -2021**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Туреева Қуралай Жумабаевна**

Жанубий Оролбуйи сув объектларининг антропоген

Деградацияланиш жараёнининг қонуниятлари ..... 3

**Туреева Қуралай Жумабаевна**

Закономерности процесса антропогенной деградации

водных объектов в Южном Приаралье ..... 21

**Tureeva Kuralay Jumabaевна**

Regularities of the process of anthropogenic degradation of

water bodies экосистем in the

Southern Aral Sea region ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРЕЕВА ҚУРАЛАЙ ЖУМАБАЕВНА**

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБУЙИ СУВ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ  
АНТРОПОГЕН ДЕГРАДАЦИЯЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ  
ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**03.00.10 – Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус -2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.2PhD/В217рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме))Илмий кенгаш веб саҳифаси ([www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.zionet.uz](http://www.zionet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович**  
биология фанлари доктори, доцент

**Атаназаров Қуралбай Мауленович**  
биология фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Хоразм Маъмун академияси**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.02/30.04.2021.В.79.01 Илмий кенгашининг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердах шох кучаси 41, институт кичик мажлислар зали. Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: [aknuk@mail.uz](mailto:aknuk@mail.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» даги \_\_\_ рақамли баённомаси)

**Аимбетов Нагмет Каллиевич**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, академик

**Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф. PhD

**Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги Илмий  
семинар раиси, б.ф.д.

## **Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида сув экотизимларининг гидрокимёвий ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш, дарё ва кўллар оқимини тартибга солиш, сув ҳавзаларининг экологик тозалиги ва хавфсизлигини назорат қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш муаммосини ҳал қилиш ва сув экотизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада, сув объектлари деградациясини келтириб чиқарадиган асосий омилларни аниқлаш, ҳар қил типдаги сув объектларида антропоген деградация жараёнларини тадқиқ қилиш, биоген элементларнинг кириш динамикасини ва турли даражадаги трофикликли сув экотизимларининг ишлаши учун замонавий шароитларни аниқлаш, сув объектлари эвтрофикациясининг узига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда кескин экологик омиллар таъсирида табиий сув экотизмларида содир булаётган ўзгариш жараёнлари, хусусан антропоген омиллар таъсирида сув объектлари эвтрофикация жараёнларининг кучайиши ва гидросферадаги деградация жараёнлари сабабли сув объектларининг рекреацион потенциалининг камайиш ҳолатларини аниқлашга бўйича кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада табиий сув ҳавзаларининг экологик ҳолатини ўрганиш, сув объектларидаги биоген элементларнинг миқдорий тақсимланишини аниқлаш, сув экотизмларини мониторинг қилиш, уларнинг трофлик даражасини аниқлаш ва биоиндикация қилишнинг янги инновацион усулларини ишлаб чиқиш шунингдек, сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикада сув экотизимларини мониторинг қилиш ва барқарор ривожланишга оид дастурий ҳужжатлари асосида сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув объектларининг антропоген деградацияси жараёнларининг умумий қонуниятларини аниқлаш, сув сифатининг ўзгаришини белгиловчи асосий компонентларни таҳлил қилиш, деградация жараёнларини тадқиқ қилишнинг илмий асосланган методологиялари ва сув экотизимларида чучук сув танқислиги шароитларида антропогенезнинг шаклланиши механизмларини амалиётга тадбиқ қилиш чоратадбирлари ишлаб чиқилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида «илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада тадқиқотнинг замонавий усулларидан фойдаланган ҳолда, уларни атроф-муҳитни табиий ва антропоген ўзгаришининг информатив биоиндикаторлари сифатида фойдаланиш мақсадида самарали усулларни ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги «2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор юналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада ҳозирги вақтда сув объектларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар Константинова Л.Г., Ешимбаев Д., Чембарисов Э.И., Ильинский И.И., Курбанбаев Е., Курбанбаев С.Е., Атаназаров К.М., Бабаназарова О. В. ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган бўлиб, уларда сув экотизимларининг антропоген эвтрофикацияси, биоген элементлар тарқалишининг экологик хусусиятлари ҳамда Оролбўйи сув объектлари ва оқимларининг ифлосланиш даражаси ва ўз-ўзини тозалаш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларидан Леонов А.В. (2010, 2016), И.Н. Заличев (2010), Н.Н. Макаренкова (2012), А.Е. Голованева (2017), Т.И. Кутявина (2017) ва бошқа олимлар<sup>2</sup> тамонидан турли хил антропоген босим даражасига эга ҳар хил сув объектларининг трофик ҳолатини аниқлаш, улардаги кузатилиши мумкин бўлган ўзгаришларини башорат қилиш ва ҳозирги ҳолатини баҳолаш бўйича бир қанча маълумотларни кўришимиз мумкин.

Хорижий олимлардан Jacob Kalff. (2001), Stoddard J.L. (2001), Stanley Dodson. (2005), Rodrigues A. (2009) ва бошқа олимлар<sup>3</sup> сув объектларига антропоген таъсир даражаларини, эвтрофикация жараёнлари уларнинг ривожланиши ҳолатини ва ўз-ўзини тозалаш хусусиятларини башорат қилиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Сув муҳитида биоген элементлар трансформацияси жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва қўллаш амалий ва илмий муаммоларни ҳал қилиш учун зарурдир. Қайд қилинганларнинг барчаси антропогенезнинг Жанубий Оролбўйи минтақасидаги сув экотизимига таъсирини ҳар томонлама ўрганиш долзарблигини тақозо қилади.

<sup>2</sup> <http://www.biblus.ru/Default.aspx>

<sup>3</sup> <http://www.bayceer.uni-bayreuth.de/toek//publication.php>,

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасалари илмийтадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170918120 «Ҳар хил типдаги балиқ етиштириладиган Жанубий Оролбуйи сув объектлари ресурс потенциалли мониторинги ва уни амалга ошириш юлларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси, шунингдек GEF ва МФСА «Жанубий Оролбуйи ветландлари биохилма-хиллигининг мониторинги» (2015-2019 йй.) мавзусидаги халқаро лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Жанубий Оролбуйи минтақасида сув объектларининг антропоген деградацияси жараёнларининг қонуниятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сув объектлари деградациясини келтириб чиқарадиган асосий омилларни аниқлаш;

ҳар хил типдаги сув объектларида антропоген деградация жараёнларини тадқиқ қилиш;

биоген элементларнинг кириш динамикасини ва турли даражадаги трофикликли сув экотизимларининг ишлаши учун замонавий шароитларни аниқлаш;

Жанубий Оролбуйи минтақасидаги сув объектлари эвтрофикациясининг узига хос хусусиятлари, сабаблари ва омилларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли режимдаги таъминланишга эга ва ҳар хил антропоген босимдаги Довуткўл, Междуречье ва Жылтырбас кўллари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Жанубий Оролбуйи минтақасида сув объектлари эвтрофикацияси жараёнларининг экологик хусусиятлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацион тадқиқотни бажаришда экологик (дала, мониторинг, лаборатория), гидрокимёвий (сув сифати), статистик (Excel ва STATISTICA) усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сув объектларининг тури, генезиси, кўлами ва жойлашувидан қатъи назар, антропоген деградация жараёни табиий эканлиги аниқланган;

илк бор маҳсулдорлиги ҳар хил бўлган лимник экотизимларда сув сифатини шакллантиришнинг экологик механизмлари аниқланган;

сув объектларидаги биоген элементларнинг микдорий тақсимланиши, фосфор босими ва унинг оқимларининг асосий хусусиятлари аниқланган;

Оролбуйи минтақасидаги сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг амалий экологик муаммоларини ҳал қилиш учун антропоген босимни тартибга солиш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сув экотизимлари антропогенезининг минтақавий қонуниятлари аниқланган ва экологик стандартларни белгилашда илмий асосланган ёндошувлар ишлаб чиқилган;

хар ҳил типдаги сув объектлари экологик ҳолатини баҳолаш учун минтақавий экологик мониторингини ўтказиш ҳамда уларнинг деградациясини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ҳудудий экологик мониторинг ўтказишга тавсиялар ишлаб чиқилган;

сув объектлари ҳолатини ўрганиш учун сув экотизимлари турли компонентларининг макон ва вақтда тақсимланишига оид маълумотлар бўйича методологик база ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** умумий қабул қилинган классик ва замонавий усуллардан фойдаланиш, олинган натижаларнинг халқаро базаларда индексланган журналларда нашр қилиниши, давлат амалий ва фундаментал лойиҳаларини амалга ошириш ва амалиётга тадбиқ қилиниши билан тасдиқланади. Илмий натижалар амалий статистик дастурлардан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар сув экотизимларида чучук сув танқислиги шароитларида антропогенезнинг шаклланиши механизмлари тўғрисида илмий тушунчаларни кенгайтиради ва тўлдиради ҳамда сув объектлари антропоген деградацияси жараёнларининг аниқланган қонуниятлари уларни қурғоқчил зоналардасув экотизимининг эвтрофикация жараёнлари динамикасини прогнозлаш учун методологик база сифатида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларнинг оператив экологик эксперт прогнозини амалга оширишда ва Оролбўйи минтақасида чучук сувнинг кескин танқислиги шароитида сув экотизимларидан оқилона фойдаланиш стратегиясини амалга оширишда фойдаланиш ҳамда илмий асосланган методология усуллари сув объектлари ва оқимларининг экологик ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Оролбўйи сув объектларининг антропоген деградацияси жараёнларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

сув объектлари антропоген деградациясини тадқиқ қилишнинг илмий асосланган методологияси Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси қилиш қўмитасида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси қилиш қўмитасининг 2020 йил 19 мартдаги 02/18-671-сон маълумотномаси). Натижада, сув объектларининг экологик ҳолатини баҳолаш ва улар деградациясининг олдини олишга қаратилган экологик дастурларни ишлаб чиқиш имконини берган;

сув объектлари антропоген деградацияси жараёнларининг мезонлари тўплами ва шаклланиш механизмлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 24 мартдаги 01/07-3-107-сон маълумотномаси). Натижада, Жанубий Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантиришида сувресурсларини экологик мониторинги, атроф-муҳит

муҳофазаси, сув экотизимларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича дастурий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 илмий-амалий анжуман, жумладан 6 халқаро ва 6 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, жумладан 5 республика ҳамда 2 хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 117бетдан иборат.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари белгиланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сув объектларининг антропоген деградацияси ва экологик хусусиятлари**» номли биринчи бобида сув объектларининг эвтрофикацияланиш жараёнларининг шаклланиши экологик муаммоларига бағишланган илмий адабиётлар таҳлили келтирилган. Сув объектларининг эвтрофикацияси масаласи сўнгги вақтларда ўта муҳим минтақавий экологик муаммоларнинг бирига айланмоқта. Сув экотизимларида тўпланган сувлар сифати сув экотизимлари ва биологик ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш имкониятини белгиловчи энг муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади. Сўнгги йилларда сув ва сув оқимларига азот ва фосфор тушишининг кескин ортиши, шунингдек кўплаб текисликдаги дарёлар оқимини тартибга солиш натижасида сув объектлари гидрокимёвий ва гидробиологик режимининг ўзига хос бузилиши юзага келди. Антропоген таъсир остида қолган Амударё қўйидаги кўллар сезиларли даражадаги трансформацияга учрапти. Бу ўз навбатида сув экотизимлари сув режимида, айниқса сув объектларининг ўз-ўзини тозалаш биологик механизмида сезиларли ўзгаришларни келтириб чиқармоқта.

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбўйи сув объектларини тадқиқ қилиш материаллари, ҳажми ва усуллари**» номли иккинчи бобида ишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, белгиланган тадқиқотнинг методик усуллари ҳамда ҳажми келтирилган. Ишда Оролбўйи сув экотизимларида 2018 йилдан 2020 йилгача даврда йилнинг барча мавсумларидаги

мониторинг маълумотларидан фойдаланилди (1-расм). Сувнинг гидрокимёвий таҳлили ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти микроорганизмлар экологияси лабораторияси ва гидрокимё ва гидробиология лабораториясида Н.С.Строганов, Н.С.Бузинова (1980), Ю.Ю. Лурье (1984), Ю.В. Новиков ва бошқ. (1990), шунингдек ер усти сувларининг кимёвий таҳлили бўйича юрикномада (1977) келтирилган меъёрий ва услубий хужжатлар асосида олиб борилди.



**1-расм. Ўрганилаётган сув объектларининг жойлашиши харита-схемаси**



Ушбу бобда тадқиқот ҳудудининг физик-географик таснифи келтирилган. Амударё қўйи оқими материкнинг ичкарасида жойлашиши иқлимнинг кескин континенталигини белгилайди, унинг ўзига хос хусусияти атмосфера ёғингарчилигининг ўта кам бўлиши, жазирама ёз, нисбатан қуруқ совуқ қиш ва юқори буғланишлиги билан тавсифланади.

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбўйи шароитида сув объектларининг ҳозирги экологик ҳолати**» деб номланган учинчи бобида минтақадаги сув объектларининг ҳолатига турли антропоген омилларнинг таъсири масалалари кўриб чиқилган. Сув ресурсларига таъсир қилиш жараёнларининг қонуниятларини ўрганиш экология ва атроф-муҳит муҳофазасида устувор юналишларининг бири ҳисобланади, лекин шуни тан олиш керакки, ҳозирги вақтда сувэкотизимларини қайта тиклаш концепцияси ва методологияси эндигина ривожланиб бормоқда. Амударё қўйи қисмининг гидрологик режими кескин ўзрарувчанлиги билан фарқланиши туфайли, сув хўжалигининг истиқболли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун энг сўнгги маълумотларга эҳтиёжи кучлидир, бу биоген элементлар таркиби бўйича маълумотларга ҳам тегишлидир. Биоген элементларнинг кўплиги қишлоқ

хўжалиги маъносида ривожланган сув йиғиш жойларининг ер усти оқими учун хос ҳисобланади ва бу минтақа сув экотизимларига антропоген таъсирнинг натижасидир.

**Довуткўл.** Амударёнинг «собик» дельтаси бошида жойлашган Довуткўл кўллар тизими Амударё кўйисидagi энг йирик ва анча эски сув экотизимидир. У харитада Довуткўл сув омбори сифатида белгиланган. Ушбу тизимни ўрганиш катта аҳамиятга эга, чунки, биринчи томондан, кўлларда ичидаги алоқаларни ўрнатишга ёрдам беради, иккинчидан, антропоген таъсирга дуч келган экотизимлар трансформациясини кузатишга ёрдам беради ва учунчидан, Амударё кўйисидagi чучук сувнинг кескин танқислиги шароитларида чучук сувли сувэкотизимлардан оқилona фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқишга имконият беради.

Довуткўл тизими дарёнинг бўйида, Нукус шаҳри шимолида 41 км ораликда жойлашган бўлиб, 1931 йилда ташкил топган. Бу вақтда сув кўлларга Довуткўл тизими орқали тушиб, ундан кўйида жойлашган кўлларга, айни Қусханатау тепалигигача озиклантирар эди. Сув сатҳи ўзгарувчан бўлиб, кўпинча дарё суви билан тўлишига боғлиқ, сезиларли тебранишлар билан ажралиб туради. Тизимнинг майдони доимо ўзгарувчан бўлиб, 1770 дан 2250 га гача ўзгариб турди. Тизимдаги энг катта 5-7 метрлик чуқурлиги Кукусу чегаралар қайд килинган бўлиб, бошқа чегаралардан фарқли улароқ, унинг чегаралари яхши аниқланарди. Кўлда баъзи ойдинлар бир-биридан 0,7-1,5 м баландликдаги қамишлар билан ажратилган.



ДавуткўлМеждуречье

Жылтырбас

2-расм. Оролбўйида сув объектларининг географик жойлашиши

Минтақадаги гидрологик вазиятнинг ўзгариши, дельтага умумий Амударё сув оқими тушишининг кескин пасайиши, бошқа сув таъминоти манбасига ўтиш натижасида кўллар тизимининг ягона сув юзасига эга энг теран сувли чегаралари шаклланган ҳавзага айланишига олиб келди. Суғориш Эркиндарё арнасида ва Саранкўл Бирқулоқ кўллар тизими ирмоқларидан насос ердамида сув куйиш эвазига амалга оширилади.

**Междуречье кўли** Междуречье сув объектининг Шимолий-ғарбий қисмида, Қипчокдарё ва Оқдарё оралиғида жойлашган. Сув манбаси Амударёдир. Сув объектининг умумий майдони 3000 га, узунлиги 9-10 км,

кенглиги 2-3 км. Максимал чуқурлиги - 3,5 м, энг чуқур жойи 1,3-1,8 м. Кўлга қуядиган Амударёнинг сувлари юқори минерализация ва коллектор-дренаж ҳамда саноат суви туширилиши сабабли буткул дарё бўйлаб кучайиб боровчи умумий ифлосланиш билан характерланади. Междуречьедаги сувнинг тиниқлиги мавсумга қараб ўзгариб туради ва 0,50-0,80 м ташкил қилади. Междуречьеда сув минерализацияси кескин ўзгаришларга дуч келади, йилнинг илиқ вақтларидаги кузатувларнинг барча даврида минимал, шунингдек максимал кўрсаткичлар қайд қилинган. Ёз мавсумида бу 1274-2124 мг/л, кузда эса 1240-1270 мг/л ташкил қилади. Кўл акваториясида эриган моддаларконцентрацияси ҳар хил бўлиб, мавсумга қараб ўзгариб туради. Ёзги мавсумда эриган моддалартаркиб топиши 0,012-0,556 мг/л, кузда – 0,310 мг/л (1998), баҳорда (1999) 0,104-0,671 мг/л, ёзда 0,0093 мг/л дан 0,568 мг/л гача қайд қилинган. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, сестоннинг максимал миқдори кўлнинг сув қатлами гипополлимнион қисмида қайд қилинган.

**Жылтырбас кўли** Оролбўйининг ушбу атамадаги кўрфазида пайдо бўлганди, у сайёз бўлиб, бир қанча чегаралар ва қамишзорлик тўқайлигидан иборатдир. Жылтырбас кўли аксарият ер усти хайвонлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Катта сув объектидир. Майдони – ~15 000 га ни ташкил этади. Сув манбалари – КС- 1,2,3 лар ҳисобланади. Максимал чуқурлик - 4 метр, минимал - 1м. Жылтырбас кўли Чимбой туман марказидан 50 км узоқликда жойлашган.

Кўлга Қозоқдарё суви ва бир қанча термал артезиан скважиналаридан сув келиб тушади. Дамба қурилганлиги туфайли ундаги сув сатҳи бир неча йил илгари барқарорлашди ва ушбу сув объекти Оролбўйи кўлларининг фалокатли қуриши фонида энг муҳим сувли-ботқоқли ҳамда балиқчилик учун зарур фойдаланиладиган майдон эди. Лекин 2007-2009 йиллардаги сув танқислигида сув сатҳи кескин пасайиб кетди. Кўлда Давлат ўрмон-овчилик хўжалиги жойлашган бўлиб, балиқ овлаш билан овчилик фаол равишда юритилмоқда. Кўлга етиб бориш анча қийин бўлиб, энг яқин аҳоли яшаш пункти Қозоқдарё 30 км узоқликда жойлашган, лекин сув сатҳининг кўтарилиши даврида, айланма йўллар 80 – 90 км гача чузилади.


## Жадвал 1

### Оролбўйи кўлларининг ҳозирги ҳолатининг умумий характеристикаси

№	Кўлларнинг номлари	Майдон, га			Чуқурлиги, м			Озиқ манбайи
		Кўп сувли	Ўртача	Кам сувли	Кўп сувли	Ўртача	Кам сувли	
1	Междуречье	49600	16000	110	2,10	1,80	0,5	Дарё
2	Жылтырбас	28500	13500	4000	3,2	1,6	0,9	Аралаш
3	Довуткўл	17000	1380	920	7,0	6,8	-	Дарё

Сувтаъминоти ҳажмига қараб ўрганилаётган кўлларнинг морфометрик кўрсаткичларининг ўзгаришлари юзага келмоқда. Масалан, 2013 йилдан 2019

йилгача даврда ўрганилаётган кўлларнинг умумий майдони кўрсаткичлари динамикада қаралганда, кўллар тўлиши ва сайёзланишининг циклик хусусиятларини кузатиш мумкин (расм 3). Амударё дельтасида сув объектлари сув юзаси динамикаси шуни кўрсатадики, 2003–2014 йиллар даврида сув объектлари юзаси ўта барқарор эмас ва асосан йилнинг сувли бўлишига қараб аниқланади. Сув юзасининг 2010 йилда 115,2 минг гектар ва 2009 ва 2005 йилларда 100 га гача максимал сақланиши 2011, 2013 ва 2014 йилларда сув объектларининг ўн фоизлик лойиҳалитўлдирилиши билан мос келди.




3-расм. Жанубий Оролбўйи кўлларининг очик сув сатхининг майдонлари

Бу иккала лойиҳада назарда тутилган дельта қурилмалари комплекси фақат қисман бажарилганлиги учун юзага келиб, кўзда тутилган Междуречье сув объектининг бошқариладиган қувватлиги яратилмаган, хаттоки унинг қисман сайёзланиши боис улар пасайгандир.

Делтага сув тушириш нафақат дарёдан, балки коллекторлар (КС-1, КС-3, КС-4, Акчадарье (ўнг қирғоқ), ККС ва Устюрт, шунингдек Устюрттан Машанкул кўлига) орқали ҳам амалга оширилади. Ўнг қирғоқ коллектор тизими Беруний коллекторидан бошланиб, Бош Жанубий Қорақалпоқ коллектори бўйлаб (БЖҚК) Акчадарё коллекторига тушади ва Жанадаре орқали коллектор суви.

Катта Оролбуйининг Шарқий қисмига қуяди. Жанубий Қорақалпоғистон территориясида қурилган катта ва зич тармоғи сувғориладиган ерлардан ташқарига қайтган коллектор сувларини олиб чиқиш вазифасини бажаради. Бунда илгари мавжуд бўлган кўп сонли Судочье, Қаратерен, Жылтырбас каби бошқа да қатор чучук сувли кўллар чиқинди коллектор сувларини қабул


қилувчи объектга айланди, бу кўллари сув оқмайдиған режимда эксплуатация қилиш ушбу сув объектларида сув минерализациясининг ошишига ва уларнинг ҳосилдорлигининг йўқолишига олиб келди. Сўнги йилларда сув объектларида азот ва фосфор тушишининг кескин ортиши туфайли, шунингдек дарё оқимининг бошқарилишинатижасида сув объектлари гидрокимёвий режимининг ўзига хос бузилиши юзага келди. Оролбўйи куллари сув оқимларининг кўп йиллик динамикаси 4–расмда келтирилган.



**4-расм. Оролбўйи куллари сув оқимларининг кўп йиллик динамикаси**

Фитопланктоннинг интенсив ривожланишида органик моддаларнинг ҳосил бўлиши кучайди ва, натижада сув объектларининг трофиклиги ортди. Шу боис, ўрганилаётган кўлларида биоген элементлар режими, сув объектлари теранлигига қараб уларнинг ўзгариши бўйича натижалар умумлаштирилди, ушбу моддаларнинг сув туби чўкмаларида таркиб топиши тавсифланган, эриган кислород режими кўрсатилган, шунингдек сув сифати ҳар хил экологик индекснинг қийматлари ҳисоблаб чиқилган.

Тадқиқ қилинаётган сув объектларида (Довуткўл, Междуречье, Жылтырбас кўллари) 2018-2020 й. учун биогенларнинг таркиб топишининг мавсумий ва кўп йиллик динамикаси ҳақидаги маълумотлар 5–расмда келтирилган.



4-расм. Ўрганилаётган сув объектларининг лимнологик динамикаси

Сув объектларида азотнинг бази формаларининг таркиб топиши мавсумга қараб кучли ўзгаради ва планктоннинг ривожланиши ҳамда сув объектларининг ўзидаги азотнинг эрилишини бошқарувчи биокимёвий жараёнларнинг интенсивлигига боғлиқдир. Аниқландики, биоген элементларнинг таркиб топиши сув объектларини таъминлайдиган манбага ҳам боғлиқдир: коллектор-дренаж сувлари тушадиган кўлларга нисбатан дарё оқими сувлари келиб тушадиган кўлларда биогенларнинг таркиб топиши камроқдир. Бирламчи унумдорлик ва деструкция қиймати юқори ўзгарувчанликга эга бўлиб, сув объектларининг ички жараёнлари ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ (2-жадвал).

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳар хил типдаги сув объектларида органик моддаларнинг ҳосил бўлиши интенсивлиги анча юқори ва 0,7 дан 4,2 г с/м<sup>2</sup>гача ўзгариб туради. Максимал қийматлар фақат коллектор-дренаж сувлари тушириладиган кўлларда қайд килинган (Довуткўл – 4,2 г с/м<sup>2</sup> ва Куктош кўли 1,6 г с/м<sup>2</sup>). Междуречье кўли ва Муйнок, Сарыбас курфазида бир хил манбадан таъминланишига қарамастан, органик моддаларнинг ҳосил бўлиши турлича бўлиб, тиниқлиги ҳам бир хил эмас. Органик моддаларнинг деструкцияси ҳар хил интенсивликда ўтади (3,2 дан 1,1 г с/м<sup>2</sup> гача). Лекин, умуман олганда, унинг қиймати, айниқса деструкция кўлларнинг барча чуқурлиги бўйлаб юзага ошишини ҳисобга олган ҳолда, анча каттадир. Органик модданинг максимал бузилиш ҳолати ирригацион тармоқлар

чикинди сувлари тушадиган Довуткўл кўлида ( $3,2 \text{ г с/м}^2$ ) қайд қилинган.

## 2-жадвал

### Сув объектларининг эвтрофикация даражасининг қиёсий таҳлили

Сув объектларининг номлари	Йиллар	Май-дон (га)	Тиник лиги (м)	$\text{O}_2$ мг/л	БПК <sub>5</sub> мг $\text{O}_2$ /л	А	Д	А:Д	Трофиклиги жихатидан учта сув омбори
Междуречье	1982*	150	0,7	6,8	2,2	1,7	2,5	0,86	олиготроф
	1995**	230	0,7	8,7	4,2	1,2	1,2	1,0	мезотроф
	2020#	200	0,6	7,2	4,0	1,2	1,2	1,0	мезотроф
Довуткўл	1982*	650	0,8	7,7	3,4	5,6	4,8	1,10	эвтроф
	1995**	3500	0,6	7,6	4,7	4,2	3,2	1,31	эвтроф
	2020#	760	0,5	6,8	3,0	5,2	4,5	1,0	эвтроф
Жылтырбас	1982*	2300	1,2	7,3	4,0	5,2	3,9	1,40	эвтроф
	1995**	2400	0,8	7,4	3,1	1,3	1,4	0,92	мезотроф
	2020#	2100	0,9	6,8	3,4	1,3	1,5	0,9	мезотроф

Изоҳ: \*- О.В.Бабаназаров маълумотлари (1982),\*\*- К.М. Атаназаров маълумотлари (1995), # -бизнинг маълумотлар

Шундай қилиб, сув оқимлари ва сув объектлари сувида биоген элементларнинг турлича таркиб топиши улардаги биохосилдорлик даражасининг ўзгаришига олиб келади: хосилдорликнинг ортиши билан бактерияларнинг умумий сони ошади, бунда энг хосилдорли Довуткўл кўлида максимал қийматгача етади; микрофлоранинг морфологик кўрсаткичлари ўзгаради. Микроорганизмларнинг биокимёвий фаоллиги органик моддаларнинг таркиб топиши, биоген элементларнинг трансформацияси ва сув оқими ҳамда сув объектлардаги кислород режими билан боғлиқдир. Сув оқими ва сув объектларининг ўзиниўзи тозалаш қобилияти катта даражада органик модданинг микробиологик деструкцияси тезлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг «**Жанубий Оролбуйи сув объектлари антропоген деградациясининг умумий қонуниятлари**» деб номланган тўртинчи бобида турлича типдаги сув экотизимларида сув сифатининг ўзгаришини белгилайдиган асосий чекловчи бош компонентлар аниқланди ва таҳлил қилинди. Сув объектлари ҳолати ва сув ресурслари сифатини прогнозлаш методларини ишлаб чиқиш доимо ҳорижий, шунингдек маҳаллий комплексли экологик тадқиқотларнинг устувор юналиши ва муҳим вазифасидир.

Ҳозирги вақтда кўп ўлчамли статистик методлар, шу жумладан, асосий компонентлар (АК) усулидан фойдаланиш сув экотизимлари ҳолатини баҳолаш учун истиқболли ҳисобланади. Кузатишларнинг турли даврларида кўрсаткичларнинг ўзгарувчанлиги сезиларли даражада фарқ қилади, бу эса текширилаётган сув объектида (Довуткўл кўли мисолида) БЭ тарқалишини баҳолашнинг ноаниқлигига таъсир қилади. Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, ранг қийматлари баҳор даврида (март ойи)  $R$  ( $r=0,78$ ) қийматлари билан ўзаро боғлиқликни келтириб чиқаради. Кузатувларнинг

охирида ушбу боғлиқлик ўз аҳамиятини бироз юқотади. Барча кузатиш давларида N-нинг ўртача йиллик таркиби асосан  $N_{орг}$  нинг хиссаси билан белгиланади ( $p=0,68$ ). Шунинг ҳам кузатиш мумкинки, сув ҳарорати ва эриган кислород фоизи ёз-куз давларида кузатув горизонтига тескари боғлиқ. Бу даврда кислород улуши сув ҳарорати ( $r=0,82$ ) билан чамбарчас боғлиқ. Олиб борилган таҳлил шуни кўрсатадики, умуман олганда, тадқиқ қилинаётган сув объектида биоген элементлар ҳолати ва тақсимланишини тавсифлаш тизими ўзаро алоқадорлиги барқарор эмас, кузатувларнинг баъзи муддатларида ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликкамайдан ёки ҳатто мавжуд эмас. Корреляция коэффициентлари муҳокама қилинаётган ўзгаришлар ўртасида стохастикбоғлиқликнинг мавжудлигини кўрсатади.

Коллектор-дренаж тармоқлари, қишлоқ хўжалиги ва маиший хўжалик канализациясининг интенсив ифлосланиши натижасида, шунингдек, ҳаддан ташқари антропоген босим туфайли эвтрофикация жараёнлари натижасида кўпчилик сув экотизимлари тўлиқ ёки қисман вайрон бўлган, ўз-ўзини тозалаш жараёнлари бузилган. Натижалар Оролбўйи ҳудудидаги сув объектларининг комплекс тадқиқотлари, деградация жараёнларининг бир неча босқичларини ажратиш мумкин, уларнинг ҳар бири маълум даражадаги антропоген таъсир билан тавсифланади (6 -расм).



**5 расм. Оролбўйи сув объектлари антропоген деградациясининг ривожланиш схемаси**

Сувли экотизимларнинг экологик ҳолатини тавсифловчи гидрохимёвий ва гидробиологик кўрсаткичлар кенг чегараларда ўзгариб турарди, бу нафақат рекреацион босим даражасидаги фарқ, балки мавсумий динамикага ҳам боғлиқ. Биз сув экотизимининг таркибий қисмларининг

ўзгарувчанлигининг 80-90% ни тушунтирувчи 4 та АКни аниқладик (3-жадвал). I-АКмарт ойида бутун тизимдаги биоген элементларнинг тарқалишининг 49% фарқларини тушунтиради. Салбий босимлар сув муҳитидаги Р таркибидан ҳосил бўлади.

Сувдаги Р таркиби баҳорда биоген элементлар захирасини шакллантиришда муҳим ролни акс эттиради. Июнь ойида I-АК тизимдаги биоген элементлар тақсимотининг 35% дисперсиясини тушунтиради. Унинг мусбат босимлари РК ва  $N_{\text{мин}}$ , салбийлари эса  $O_2$  таркиби (ҳақиқий ва нисбий) билан белгиланади.

### 3-жадвал

#### Танланган асосий компонентлар учун уз-аро қийматлар (рақамловчи) ва уларнинг тўпланган нисбати (мувофиқлаштирувчи)

Кузатиш даври (ойлар)	I	II	III	IV
Март	5,42/0,49	2,60/0,65	1,57/0,82	-
Июн	5,74/0,35	3,44/0,58	2,34/0,74	1,14/0,86
Ноябр	4,01/0,26	3,18/0,44	2,51/0,61	1,45/0,80

Ноябрда I –АК тизим дисперсиядаги улуши 26% ташкил этди, унинг ижобий босими перманганатли окисланиш билан белгиланади. Бу мавсумда муҳитнинг абиотик омилларининг таъсири энди унча кўринмайди.

II-АКнинг март ойидаги тизимнинг дисперсиясига қўшган ҳиссаси 65%, июн ойида - 58%, унинг ижобий босимлари РК индекслари, манфийлари эса азот компонентлари ( $N_{\text{сум}}$ , ва  $N_{\text{орг}}$ ) ҳисобига шаклланади. Ноябрда, шунингдек, март ойида, II- АКнинг тизим дисперсиясига қўшган ҳиссаси 44%ни ташкил қилади. Ижобий босимлар азот шакллари ( $N_{\text{сум}}$ , ва  $N_{\text{орг}}$ ) ва фосфор таркибини тавсифловчи ўзгарувчилар орқали ҳосил бўлади. II-АКнинг салбий босимлари асосан  $O_2$  нинг нисбий таркиби билан ифодаланади. III- АКнинг март ойидаги ҳиссаси тизимнинг дисперсиясига 82%ни ташкил этди. Унинг мусбат ва салбий босимлари тўхтатилган органик моддалардан ҳосил бўлади. Июнь ойида III-АКнинг умумий дисперсиядаги ҳиссаси 74%ни ташкил этди. Ушбу АКнинг ижобий ва салбий босимлари сув муҳитида  $N_{\text{орг}}$  ва жами фосфор таркибини тавсифловчи ўзгарувчилар ҳисобига ҳосил бўлади. Ноябрь ойида III-АКнинг тизим дисперсиясига қўшган ҳиссаси 61%ни ташкил этди. Салбий босимлар азот ( $N_{\text{мин}}$ ) ва фосфор концентрациясидан ҳосил бўлади.

II – АК тизим дисперсиясидаги улуши мартда 16%, июнда – 23% ташкил қилиб, унинг ижобий босимлари РК кўрсаткичлари билан, салбийлари эса азот компонентлари билан шаклланади ( $N_{\text{сум}}$ , и  $N_{\text{орг}}$ ). Ноябрь, шунингдек мартда II –АК тизим дисперсиясидаги улуши 18% ташкил қилади. Ижобий босимлар азот ва фосфор формалари таркибини характерловчи ўзгарувчанлар томонидан шаклланган. II –АК салбий босимлари асосан  $O_2$  нисбатан таркиб топишида ифодаланган. III АК мартда тизим дисперсиясидаги улуши 17% ташкил қилган эди. Унинг ижобий ва салбий босимлари эриган органик

моддалар орқали шакланади. Июнда III-АК тизимнинг умумий дисперсиясидаги улуши 16% ташкил қилди. Бу асосий компонент ижобий ва салбий босимлари сув мухитида  $N_{\text{орг}}$  ва фосфор фракцияларининг таркиб топишини изоҳлайдиган ўзгарувчанлар орқали шаклланган. Ноябрьда III АК тизим дисперсиясидаги улуши 17% ташкил этган. Салбий босимлар азот ( $N_{\text{мин}}$ ) ва фосфор формалари концентрациялари орқали шаклланган.

IV-АК июн-ноябр ойларида ўтказилган бир қатор кузатувларга кўра аниқланди. Тизимнинг дисперсиясига ушбу АКнинг ҳиссаси 80-86%ни ташкил этди. Шунинг учун бу АК индикатори азот ва фосфор шаклларининг органик моддаларнинг оксидланиш трансформациясини ривожланишига таъсирга боғлиқ бўлиши мумкин. Компонентли таҳлил шуни кўрсатдики, маълум вақтларда биоген элементлар тақсимотининг ўзгариши ҳар хил ўзгарувчилар билан тавсифланиши мумкин. Таҳлил натижасида аниқланган кўрсаткичларнинг роли ва аҳамияти, сув ҳавзасидаги моддаларни узатиш жараёнларининг вақтига ва йўналишига қараб, анча мантикий ўзгарувчанликни очиб беради, индивидуал шакллар мувозанатини шакллантиришда ички ва ташқи оқимларнинг ўрни ва фосфор, азот ҳар хил булади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ташқи оқимлар (кириш ва чиқиш, сув ва кўл тубининг алмашинуви) йиллик биоген элементла балансининг шаклланишида, ички тирик экотизм компонентида -  $P_{\text{умм}}$  ва  $N_{\text{орг}}$  балансининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, йил давомида вазият ўзгариб туради, бу эса ўз навбатида ўрганилаётган сув объектларидаги биоген элементлар фракцияларининг нисбатига таъсир қилиши мумкин. Босимдаги асосий фракциялар сони унчалик катта эмас.

Шундай қилиб, асосий компонент усули кузатувларнинг катта қисмини умумлаштиришда мавжуд маълумотни умумлаштириш мақсадида қўлланилиши мумкин. Муҳит ва биотанинг турли характеристикалари тўпламига эга бўлиб, умуман экотизим ҳолати ва етишмай турган компонентлар ўзгарувчанлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш мумкин. Бу Жанубий Оролбўйи сув экотизимлари ифлосланишини нормалаш ва назорат қилишнинг тўғри йўлга қўйилишида негатив ақс этади.

Бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатади, антропоген деградация жараёнининг дастлабки фазаларида сув объектларида юз бераётган ўзгаришлар унча сезиларли эмас. Одатда бу ҳодисаларни диагностика қилиш анча давом этадиган комплексли тадқиқотлар асосида амалга оширилади, бу тадқиқотларнинг бошланишига у ёки бу мақсадларда сув объектларидан фойдаланишни қийинлаштирадиган ёки умуман мумкин эмас қиладиган сув мухити сифатининг сезиларли ёмонлашиши сабаб бўлади. Шу билан бирга, айни дастлабки босқичларда экологик реабилитация бўйича тадбирга ишлатиладиган ҳаражатлар минималдир. Шунинг учун сув объектлари ҳолатини ўрганиш билан параллел равишда биз томондан сув мухити сифатини баҳолашнинг экспресс-методларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

**«Жанубий Оролбуйи сув объектларининг антропоген деградацияланиш жараёнларининг қонуниятлари»** мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

## ХУЛОСА

1. Сув экотизмларининг деградациясига олиб келадиган сув муҳити омиллари сув объектларига келиб тушадиган биоген элементларнинг интенсивлиги ва миқдорига қараб шаклланади ва уларнинг қўлларда аккумуляцияланишига олиб келадиган узига хос биологик режим ва ишлаб чиқариш ва йўқ қилиш жараёнлари даражасидаги маълум бир шароитни яратади.
2. Сув объектларидаги биоген элементлар миқдори уларнинг келиб куйилиш манбасига боғлиқ булиб, коллектор-дренаж сувлари қанча кўп бўлса, уларнинг даражаси шунчалик юқори бўлади. Биоген элементлар таркибининг энг юқори мутлоқ қиймати коллектор-дренаж сувларида 0,75 дан 13,5 мг/л ни ташкил этди.
3. Азотнинг ноорганик шакллариининг сув таркибидаги динамикаси купчилик ҳудудларда яққол кўзга ташланадиган мавсумий хусусиятларга эга булиб, унда нитрат ва аммоний азотининг максимал миқдори вегетация даврда максимал рекреацион босимга туғри келган даврда кузатилди. Фосфор фракциялари таркиби динамикасида аналогик қонуниятлар аниқланди. Ёзги даврда фон ҳудудларда фосфатларнинг концентрацияси минимал қийматларга камайди.
4. Антропоген босимни тартибга солишда илмий асосларини ишлаб чиқишда, антропоген ифлосланиш оқибатларини башорат қилиш ва сув объектларига оқава сувларини тушиш режимини ишлаб чиқиш билан боғлиқ амалий экологик муаммоларни ҳал қилишда мавсумий омилларни ҳисобга олиш зарур.
5. Экологик вазиятнинг ўзгариши сув ҳавзаларидаги БЭ фракцияларининг нисбатларига таъсир қилиши мумкинлиги аниқланди. Ташқи оқимлар (кириш ва чиқиш, сув ва кул туби ўртасидаги алмашилиув) БЭ йиллик балансини шакллантиришда, ички оқимларда эса-экотизмларнинг жонли компонентларда фосфор ва азот балансини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Сув объектларида биоген элементларнинг тақсимланиши корреляцион алоқаларнинг барқарорлиги фарқ қилмайди, бу ерда ҳатто ўзгарувчилар орасида стохастик муносабатлар мавжудлиги кузатилади.
6. Сув экотизмларининг антропоген деградациясининг 4 фазаси аниқланди (мувозанат, антропоген стресс, инқироз ва катастрофик) аниқланди, бунда сув ҳавзалари ўртасидаги конвергенция ва синергетик ҳодисаларнинг шаклланиши яъни экологик, биологик ва техноген хусусиятга эга фавқулотда вазиятлар юзага келиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**  

---

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРЕЕВА КУРАЛАЙ ЖУМАБАЕВНА**

**ЗАКОНОМЕРНОСТИ ПРОЦЕССА АНТРОПОГЕННОЙ ДЕГРАДАЦИИ  
ВОДНЫХ ОБЪЕКТОВ В ЮЖНОМ ПРИАРАЛЬЕ**

**03.00.10 – Экология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Нукус -2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2PhD/B217

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Мамбетуллаева Светлана Мирзамуратовна** доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович** доктор биологических наук доцент

**Атаназаров Куралбай Мауленович**  
кандидат биологических наук

**Ведущая организация:** **Хорезмская академия Маъмуна**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.02/30.12.2019.B.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: [aknuk@mail.uz](mailto:aknuk@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.

(реестр протокола рассылки № «\_\_\_\_\_» от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021)..

**Аимбетов Нагмет Каллиевич**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени, академик.

**Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученой степени, PhDб.ф.

**Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученой степени доктора наук, д.б.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире особое внимание уделяется решению проблем гидрохимических изменений экосистем, регулирования стоков озер и рек, контролю экологической чистоты и безопасности, проблем сохранения биоразнообразия и совершенствования водных экосистем. В этой области выявление основных факторов, вызывающих деградацию водных объектов, исследование процессов антропогенной деградации разнотипных водных объектов, динамики поступления биогенных элементов и определение современного состояния функционирования водных экосистем с разной степенью эвтрофикации, определение особенностей эвтрофикации водных объектов имеют важное значение.

В мире проводятся широкомасштабные исследования по выявлению процессов изменений, происходящих в водных экосистемах под воздействием экстремальных экологических факторов, в частности повышения процессов эвтрофикации водных объектов под влиянием антропогенных факторов и определению состояния снижения водохозяйственного и рекреационного потенциалов водных объектов из-за процессов деградации гидросферы. В связи с этим изучение экологического состояния природных водных объектов, выявление количественного распределения биогенных элементов в водных объектах, мониторинг водных экосистем, определение их трофического уровня и разработка новых инновационных методов биоиндикации, а также проведение исследований по рациональному использованию водных объектов являются важными приоритетами.

В республике достигнуты определенные научные результаты по осуществлению мониторинга водных экосистем и устойчивому развитию достигнуты важные результаты по охране водных ресурсов и рационального их использования, выявления общих закономерностей процессов антропогенной деградации водных объектов, разработка методов выявления основных лимитирующих компонентов, определяющих изменение качества воды, разработка мероприятий по введению в практику научно обоснованных методологий исследования процессов деградации и формирования механизмов антропогенеза в условиях нехватки пресной воды в водных экосистемах

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «...созданию эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»<sup>4</sup>. В этом направлении разработка эффективных методов с целью их использования в качестве информативных биоиндикаторов природных и антропогенных изменений среды имеет большое научно и практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики

---

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.», Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП 3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

